

ХАШАК

ЎЗБИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

18 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА. № 12 (780).

Сотууда эркин нархда. 1994 йил.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН: МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАК

ШУ ЙИЛ 16 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РАСМИЙ ДЕЛЕГАЦИЯ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН БИШКЕК-ДА БУЛДИ. ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ УИИДА УТКАЗИЛГАН МУЗОКАРАЛАРДА ДАВЛАТЛАР, ҲУКУМАТЛАР ВА БАНКЛАРАРО — ЖАМИ САККИЗТА МУҲИМ ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



СУРАТДА: Ҳужжатлар имзоланаётган пайт.

Маълумки, Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари И. Каримов ҳамда Н. Назарбоев ташаббуси билан 10 январь кунини Тошкентда икки давлат ўртасида ягона иқтисодий ҳудуд ташкил этиш тўғрисида шартнома имзоланган, унга бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкинлиги баён қилинган эди. Шу йил 1 февралдан амал қиладиган мазкур шартномага, томонларнинг розилиги билан, Қирғизистон ҳам тенг ҳуқуқли аъзо бўлди. Шундай қилиб, минтақамиздаги ишчи кучи, табиий захираларнинг кўп қисmini ўзида жам этган улкан иқтисодий ҳудуд барпо этилди.

Ташриф давомида, шунингдек, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, маориф, сайёҳлик ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, 1994 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик, Ўзбекистон Марказий банки билан Қирғизистон Миллий банки ўртасида ўзаро ҳисоб-китобни йўлга қўйиш тўғрисидаги битимлар, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича ҳужжатларро комиссия тузиш тўғрисидаги протоколга, савдодан ташқари тўловлар ҳақидаги битимга ўзгарти-

риш ва қўшимчалар киритишга доир ҳужжатлар ҳам имзоланди. Музокаралар тугагач, Президентлар оммавий ахборот воситалари мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказилди.

— Биз анчадан буён Ҳамдустлик мамлакатлари ўртасида иқтисодий интеграцияни қўллаш, узилиб қолган ишлаб чиқариш алоқаларини шу йўсин тиклашга ҳаракат қилишимиз, — деди журналистларга Қирғизистон Президенти Аскар Акаев. — Шундай иттифоқ тўғрисидаги шартнома тузишда, Ашбабдаги учрашувда ушбу кўчага киритиш ҳақида қарор қилинди. Лекин у кўчанинг таъинини бермапти. Ана шундай шароитда ягона иқтисодий ҳудуд тузиш ҳақидаги Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат бошлиқларининг ташаббуси аяни мудио бўлди. У ишчи кучи, моддий бойлик ҳамда маблағларнинг бемалол ҳаракатланишига, бошқача қилиб айтганда, иқтисодий алоқаларнинг тикланишига имкон яратди. Шу боис, биз ҳам бу шартномага бажонидил қўшилдик.

— Республикаларимиз истиқболга эришиб, БМТ ва бошқа бир қанча халқаро ташкилотларга аъзо бўлганимиз, жаҳонга юз

туганимиз, дунёдаги йирик мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатганимиз улкан воқеалардир, — деди Ислам Каримов. — Лекин, баъзида оқсизлардан келадиган турли ёрдам ҳамда ваддаларга ишониб, бизнинг йиллар мобайнида киймлар билан ёнма-ён яшаганимиз етарли эътибор бермадик. Холбуки, бизнинг тарихий илҳозимиз — қонимиз, динимиз, дилмастик тилимиз бир, битта ота-она фарзандларимиз. Шундай экан, ҳар қандай вазиятда елкадош, ака-укалардек иноқ бўлишимиз керак. Бирга бўлсак, баъзи қаракат қилсак, бизга ҳеч ним ҳам иқтисодий, ҳам — сийсий таъйиқ ўтказолмайди.



СУРАТДА: «Рухоният» Халқаро уюшмаси раиси Охун Тўхтасартов Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга «Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотушлиқ учун» Халқаро мукофотини топшираётган пайт. Ф. ҚУРБОНОВЕВ олган суратлар. (ЎА).

Биз ҳаёт тарзимизни ўзгартирдик — иқтисодий ёнор муносабатларига ўтказмоқдамиз. Маълумки, биримизда йўқ нарса бошқамизда бор. Демак, мол ва маблағлар илочи борича тез айланиши — бозорларимиз бир-бирини табиий равишда тўлдириб туриши таъзао этилади.

Биз бугун қабул қилган ҳужжатлар ана шунга шароит яратиб беради. 1 февралдан бошлаб божхоналар рамиий чегараларимиздан ўтаётган молларни текшириши, одамларни тинтув қилишни тўхтатади, улар фақат наркотик моддалар, қурол-яроғлар олиб ўтилишига йўл қўймайди. Хуллас, ҳеч бир давлат ўз қобилига ўралиб олиб, бозор иқтисодиётини йўлга қўя олмайди.

...Тўхтагул Сотилғанов номидаги Қирғиз Давлат филармониясининг мухташам биноси Бишкек шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан лиқ тўлди. Юксак мартабали меҳмон ва делегация аъзолари қарнай-сурнай садолари, оқшилар билан кутиб олинди. Бу ерда Президент Ислам Каримов маънавий ва қадриятларини тиклашга кўмаклашувчи «Рухоният» уюшмасининг «Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотушлиқ учун» Халқаро мукофоти сазовор бўлгани муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Нуфузли мукофот ва сазовор соғалари билан мазкур уюшма раиси Охун Тўхтасартов топширди.

Президент Аскар Акаев юксак мукофотнинг биринчи соҳиб — Ислам Каримовни самимий кутлаб, Ўзбекистон давлат раҳбарининг Марказий Осиё минтақаси халқлари ўртасида тинчлик, барқарорлик, озоишталликни сақлаш борасидаги тарихий хизматларини таъкидлади. — Қадрдонимиз Ислам Каримовга мазкур мукофотнинг берилиши ёлғиз «Рухоният» уюшмаси ҳайъати ёки бир гуруҳ кишиларнинг қарори эмас, балки бутун Қирғизистон халқлари хоҳиш-иродасининг ифодасидир, — деди Аскар Акаев.

Сўзга чиққан жамоатчилик вакиллари ҳам Ислам Каримовни чин дилдан муборакбод этдилар.

Президент И. Каримов «Рухоният» Халқаро уюшмаси ҳайъатига, Қирғизистон жамоатчилигига миннатдорлик изҳор этди. Сўнгра бугун имзоланган ҳужжатларнинг моҳияти, хусусан, қўшни республикалар иқтисодиётини яқинлаштириш, демакки, халқларимизни жипслаштириш борасидаги аҳамияти тўғрисида батафсил гапириб берди.

— Қабул қилинган қарор сийхи қуримасдан ишлаб бопласа қандай яхши, — деди Президентимиз. — Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги шартнома ана шундай ҳужжатлардан бўлди. Одамлар у кўча қирғиндан муддатли кутмасдан борди-келиди, савдо-сотиқни бошлаб юбордилар. Бу бир дарёдан сув ичган қардошларнинг мақсадини муштараклигини, бир-биримизни яшай олмаслигини яна бир бор исботлайди.

Тантанали маросим Ўзбекистон ва Қирғизистон санъат усталарининг катта концерти билан якунланди.

Ташриф чоғида Ислам Каримовга Республика Олий Кенгаши Раиси вази-фасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алпимов, А. Азизхўжаев, Х. Жўраев, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХУҲА,
ЎА махсус мухбири.
Тошкент — Бишкек — Тошкент.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ Н. А. НАЗАРБОВНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА
ТАШРИФИ ЯКУНИ ТўҒРИСИДА

Қўшма АХБОРОТ

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбоев 1994 йилнинг 10—12 январь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбоев ўртасида муассасалар сўхбатлари бўлиб ўтди. Муштақам дўстлик алоқаларининг юқори даражада эканлиги, сийсий ва иқтисодий, гуманитар ва маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг самара бераётганлиги қайд этилди. Дўстлик ва тўла ўзаро ҳамфирқлик руҳида ўтган музокаралар чоғида турли соҳаларда келгусидаги амалий ҳамкорлик йўллари белгилаб олинди, ўзаро манфаватли бўлган кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар ўз давлатларидаги иқтисодий-сийсий, иқтисодий вазиетлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қилдилар. Марказий Осиё минтақасидаги, МДХдаги вазиетлар ҳусусида, шунингдек, бир қанча турли халқаро муаммолар бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Шу нёрса алоҳида таъкидландики, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йилнинг январь ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувиде эришилган аҳдлашувлар митавқадиги аҳдлошувлар барқарорлаштиришнинг муҳим омил бўлди, иқтисодий интеграция, ушбу минтақада яшовчи халқларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун яхши истиқболлар очди.

Иккала давлат раҳбарлари мавжуд чегараларнинг ўзгармаслигини таъкидладилар, Тожикистон-Афғонистон чегарасида ажузга келган вазиет муносабати билан минтақадда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича қилинган сый-ҳаракатларни қўллаб-қувватладилар.

Музокаралар давомида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликнинг аниқ йўллари ва йўналишлари белгилаб олинди.

Мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш мақсадида Президентлар И. А. Каримов ва Н. А. Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида таворлар, қимматлар, сармоялар ва ишчи кучларининг эркин ўтиб туришини назарда тутиб, ҳақда ўзаро келишилган кредит-хисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх, бож ва валюта сийсийнинг таъминловчи ягона иқтисодий маконини ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Шартнома контекстида, Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ягона иқтисодий макон Муштақам Давлатлар Ҳамдустлиги иқтисодий интеграциянинг тўғрисидаги шартнома қондаларини ривожлантириш, 1994—2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг иқтисодий интеграциялашнинг чуқурлаштиришга доир қўшма дастурни амалга асшириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси чегаралари орқали кирмида ва чиқмида иккала мамлакат фуқароларининг юкларини ва қўлда олиб юриладиган юкларини божхона текши-

рувдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди, шунингдек, божхона тўловларини бекор қилиш ҳамда солиқларни, йиғимларни ва бошқа чеклашларни аста-секин камайтириб бориш тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Ўзаро тўловларни амалга ошириш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Қозоғистон Республикаси Миллий банки Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон — Қозоғистон» ҳамда Алматы шаҳрида «Қозоғистон — Ўзбекистон» клиринг палаталарини ва Ўзбекистон Республикасида ҳамда Қозоғистон Республикасининг бошқа шаҳарларида уларнинг филиалларини, шунингдек, валюта алмаштириш пунктларини очадилар, бу тўғрисида иккала мамлакат ҳукуматлари ва банклари ўртасида тегишли шартномалар имзоланди.

Халқларнинг тарихи ва маданиятининг муштараклигини, асрий дўстлик алоқаларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳукуматлари томонидан маданий, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида битим имзоланди.

Учрашувлар ва сўхбатлар давомида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1992 йил 24 июнда имзоланган шартноманинг қандай бажарилаётгани тазкил қилинди. Тошонлар ўзаро алоқаларининг аҳволдан, иқтисодий интеграциянинг боришидан мамнун эканликларини изҳор этдилар, ҳамкорликнинг, шу жумладан, мудофаа сийсий соҳасида ҳам ҳамкорликни белгилаб олдилар. Мудофаа вазиетларига яқин фурсатда ушбу масалалар комплексини кўриб чиқиш, ҳарбий соҳаддаги ҳамкорликка ва харбий қурлишни мустақкамлашга, шу жумладан, иккала мамлакатнинг харбий ўқув юртлири баъзида муваққислар тайёрлашга доир аниқ теклифлар ишлаб чиқиш, тегишли битим тайёрлаш юклетилди.

Тошонлар ташриф вақтидаги сўхбатлар давомида ҳам, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг шу йилнинг 11 январь кунини Нукус шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида ҳам Орол денгизини ҳавасида зоология, агроф муҳитини муҳофаза этиш масалаларини муҳокама қилдилар. Ушбу йўналишдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошонлар, ҳозирдаёқ яратилган муштақам заминга таъинган ҳолда, Давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини бундан бун ҳам ривожлантиришга аҳдлашдилар.

Тошонлар, ташриф якунларидан мамнун эканликларини изҳор этган ҳолда, шуни қайд қилдиларки, бўлиб ўтган амалий ва самарали музокаралар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги тарихий дўстликни, ўзаро ҳамфирқликни ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришга ва муштақамлашга салмоқли ҳисса қўлишди.

Ўзбекистон Республикаси номидан И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1994 йил 10 январь.

Қозоғистон Республикаси номидан Н. НАЗАРБОВЕВ.
Тошкент шаҳри, 1994 йил 10 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ САФАРИ ЯКУНИ ҲАҚИДА

Қўшма АХБОРОТ

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаевнинг таълифига биноан 1994 йил 16 январь кунини Президент И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат делегацияси Қирғизистон Республикасида бўлди.

Икки давлат раҳбарининг тўла ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган сўхбат ва музокараларида дўстона алоқаларни янада муштақамлаш, барча соҳаларда давлатларро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар бир-бирига ўз мамлакатларидаги иқтисодий-сийсий аҳвол ҳақида ахборот бердилар. Иккала томонни қизиқтирган кўпгина масалалар муҳокама этилди. Тошонлар Марказий Осиёда, муштақам давлатлар ҳамдустлигида юзага келган вазиет, шунингдек бир қатор халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар пайтида Марказий Осиё раҳбарларининг 1993 йил январьдаги Тошкент учрашувиде эришилган келишувларининг муҳим аҳамияти қайд этилди. Бу келишув иқтисодий бирлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда кенг истиқболлар очди.

Иккала давлат раҳбари музокара ўртасидаги мав-

жуд чегараларнинг дахлсизлигига риоқ қилиш муҳимлигини алоҳида қайд этдилар, Марказий Осиёда, энг аввало, тожиқ-афғон чегарасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш юзасидан олиб борилаётган сый-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги ҳусусида фикр билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаватли ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича муҳим аҳдломаларга эришилди, иккала томон ҳам минтақа мамлакатларининг иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш жараёнига кўмак беришга ҳозир экани маълум қилинди.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1994 йил 10 январь кунини имзоланган ягона иқтисодий маконини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага бажонидил қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаватли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида, бу мамлакатларнинг Марказий (Миллий) банлари

пойтахтларда клиринг палаталарини, ўз мамлакатларида бу палаталарнинг филиалларини, шунингдек валюта алмашув пунктларини очадди.

Тошонлар ягона иқтисодий макон барпо қилиш ҳақидаги шартнома Муштақам Давлатлар Ҳамдустлигида иқтисодий интеграция тузиш ҳақидаги шартномага тўла мос келишини ҳамда муштақам давлатлар иқтисодий жиҳатдан бирлашувининг янги босқич бўлишини алоҳида қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ягона иқтисодий макон барпо қилиш ҳақидаги шартноманинг барча учун очилгани муштақам давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш ва самарали иқтисодий муносабатларни ривожлантириш йўлидаги муҳим омил эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВ.
Бишкек шаҳри, 1994 йил 16 январь.

Икки давлат раҳбарлари мавжуд чегараларнинг ўзгармаслигини таъкидладилар, Тожикистон-Афғонистон чегарасида ажузга келган вазиет муносабати билан минтақадда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича қилинган сый-ҳаракатларни қўллаб-қувватладилар.

Музокаралар пайтида икки дўст мамлакат ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий асосни янада ривожлантириш ҳақида келишувга эришилди.

Матнавийни қайта тиклаш «Рухоният» Халқаро уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти, атоқли сийбат ва давлат фаолиятини муносиб баҳолаб, Марказий Осиё халқлари ўртасида яқин қўшничилик муносабатларини ўрнаттишга қўшган катта хиссаси учун унга «Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотушлиқ учун» мукофотини топширди.

Тошонлар сафар натижаларидан қаноат ҳосил қилиб, бўлиб ўтган амалий ва самарали музокаралар икки қардош халқ ўртасидаги тарихий дўстлик, аҳиллик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВ.
Бишкек шаҳри, 1994 йил 16 январь.

Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар АКАЕВ.
Бишкек шаҳри, 1994 йил 16 январь.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ШАКЛИ

Республикамизда биринчи февралдан бошлаб махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар билан истеъмолчилар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг янги шакли жорий этилди. Марказий банк бошқаруви раисининг ўринбосари У. Неъматовнинг фикрича, ҳисоб-китоб қилишнинг янги шакли тизимнинг беқор қилиниши ўзаро ҳисоб-китобнинг ҳолати учун хужжалик суб'ектлари масъулиятини оширади, ўзаро ҳисоб-китобни тезлаштиришга хизмат қилади ва шу йўл билан корхона ва ташкилотларнинг бир-бирдан қарзини камайтиришга қўмақлашади.

— Утқир Убайдуллаевич, ҳозиргача ўзаро ҳисоб-китоб қилиш қандай аҳволда эди? — Марказий банк республика халқ ҳужжалигида янги шаклида ҳисоб-китоб маркази ҳисобланади. Банк 1993 йил давомида ҳисоб-китоб қилишда кескинликнинг кучайишига тасвибликни қайта эди. Йил охирига келиб, ўзаро тўланмаган қарзларнинг умумий ҳажми 24 баробар ошди. Бошқа сабаблар қатори, махсулот етказиб бериувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги ҳисоб-китобнинг маъжуд тизими ҳам ишга тўсқинлик қилди. Гап шундаки, сунгги вақтга қадар махсулот сотувчи ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳаридорлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўпича харидорларнинг молвийий имкониятларини ҳисобга олмай ўрнатилар эди. Харидорнинг махсулот сотиб олишга зарур маблағи бор ёки йўқлигини қатъий назар, тўлов хужжати сўраси равишида Марказий банк келар эди. Агар харидорнинг маблағи бўлса ҳаммаси жойида, маблағи бўлмаса — қарзи тўланаверди. Шу тариқа, ўзаро ҳисоб-китоб қилишнинг инқисоа тизими тўлов вақтида тушиши учун раҳбарлар масъулиятининг пасайишига сабаб бўлди, қарзларнинг тўланиши қолганига олиб келди.

— Янги қонда тўловни қатъий қилиб қўйдим? — Биз тўлов ҳақидаги топшириқлар, тўлов талабнома-топшириқлари, акредитивлар ва чеклар билан ҳисоб-китоб қилишнинг янги шаклида қилиниши жорий этилди. Бу умуман янгилик эмас.

ўзидан саклайди. Бу — мантинга тўғри. Чунки, ҳозирги пайтда махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қийин шароитга тушиб қолган: баъзилари қарғога ботган, айрим корхоналаргина тўлов юбилантига эга...

— Равшани, ўзаро ҳисоб-китоб қилишдаги кескинлик бирданига тугатиб бўлмайди, унга яхши тайёргарлик кўриш керак. 15 январдан 31 январгача барча давлат корхоналари ва ташкилотлари, жумладан жамоа ҳужжалилари ишторида ўзаро қарзларнинг республика ички тармоқларида ҳисоб-китоб қилиниши янги шаклига ўтиш учун шарт-шароит яратиш юзасидан республика ҳукумати ва Марказий банкнинг амалга ошираётган тadbирлари. Шу ҳисоб ишлари тугатилган сўнг улarga кредит берилди. Хуллас, барча корхона ва ташкилотлар учун дастлабки бир хил шароит яратиб берилди. Бу шароитдан кийинги қандай фойдаланишни хужжалик йилнинг якулири кўрсатади. Аммо, февраль ойиданоқ ҳисоб-китоб, жорий ва бюджет ҳисоби арақаларида маблағ бўлган таъдирдагина тўлов топшириқлари, тўлов талабнома — топшириқлари, акредитивлар ва чекларга мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади.

— Бошқача қилиб айтганда, пулниги бўлса — сизга хизмат қилинади, бўлмаса — кредит олиб зарур махсулотни харид қилверасиз, шундайми? — Шундай. Ҳисоб-китобларнинг умумий ҳолати, ўз маблағидан ва ўзга бўйсунувчи корхоналардан қарзга олинган пулдан фойдаланиш масъулиятини ваъжидлар, уюшмалар, конернлар, бошқа тузилмалар раҳбарлари зиммасига тушади. Хуллас, бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган давлатлардаги банклар шу қондага мувофиқ ишлайди, ҳамдўстлик давлатлари банк муассасалари ҳам тараққийнинг шу йўлидан бормоқда.

Сўхбатдош В. РУДАКОВА. (ЎЗА).

ҚАМАШИ тумани хонкиндаги Туркиянинг «Бурел» фирмаси билан ҳамкорликда бўйб этилган халқ истеъмоли моллари фабрикаси курилиши муҳокама этиляпти.

Усуна ва жиҳозлар пахта толаси эвазига олинади. Уни тиклашда хориздикларнинг ўзлари қатнашадилар. Ишорини бир йил ичида куриб, ишга тушириш имкониятлари бор. Фақат шартномада белгиланган талаб етказиб берилса бўлгани. Булажак корхонада қарий миң киши меҳнат қилади. Ишлаб чиқарилган махсулотнинг 80 фоизи четга сотилиб, мўмай даромад олинади.

— Кейинги йилларда пахта майдонлари бирмунча қисқарган бўлса-да, ҳосилдорликни ошириш эвазига хом ашё етиштириш салмоғи ошмоқда, — деди туман ҳокими Рашид Бозоров. — Айниқса, бултур бу борада катта ютуққа эришилди. Республикаимизнинг улкан хирмонига 32 миң тонна ўрнига 41 миң тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Режадаги пахтанинг 20 фоизи ва ундан ортқ топширилган ҳосил 15 миң тоннани ташкил этади. Бундан қарий 6 миң тонна тола олинди, шунинг ҳисобига чет элдан олтига йирик корхона усуналарини харид қилиш шиким. Лекин биз қишлоқ қилиниши янгиликларимизни осдан чинар-маслигимиз, халқ таълим, эл солгинини ўйлаб иш тутишимиз керак. Хом ашё сотишдан тушган маблағларни асосий қисми ана шу мақсадларга сарфланади.

нинг эрташилар ва серҳосил «Юлдуз», «Бухоро-6» навлари энгиланглиг катта хирмон яратишни таъминлади.

Бундан ташқари, кейинги йилларда хўжаликлар таъбирли, ўз соҳасини яхши биладиган, аҳолининг хоҳишироғаси билан ҳисоблашиб иш юрнатишда кадрлар билан мустақамланди. Муҳи

мироб бўлса ҳам, томорқанг қўлқонинг бошида бўлсин, деган нақд бор, — деди Мухаммади ака. — Хўжалигимиз ерлари эса туманинг энг куйи қисмида жойлашган. Бизга сув бир неча ҳўжаликлардан ўтиб келади. Шунинг учун, аввало, оби хаёт йўллари тартибга солишга эътиборни қаратдик. Иккинчидан, меҳнат аҳлини

125 фоз бажарилиди. Бахтир Усанов, Қарим Қурбон, Равид Эргашев бошлиқ бригадаларда эса бу кўрсаткич 35-37 центнерни ташкил этиди.

Ана шундай фидойи ишчиларнинг зарарлардан қўр олган қалбларини саъй-ҳаракатлари тўғрйли туманда доп, сабабот, чорвачилик махсулотлари тайёрлаш режалари ҳам ошириб бажарилиди.

— Бу йил пахта майдонлари яна 2 миң гектарга киймади, — деди шундан кейин Рашид Бозоров. — Ана шу умумдор, ерларда 60 миң тонна доп етиштирилди. Винобарин, чорва махсулотлари тайёрлаш салмоғи ҳам ошди. Айни чоғда тадбирдорлик иши бундан-да ривожлантирилади. Агар ўтган йиллари Италиянинг «Фотодол» фирмаси билан ҳамкорликда макорон ишлаб чиқариш, сабаботни қайта ишлаш, таъбир гушт махсулотлари тайёрлаш ҳисобига ишга туширилган бўлса, ҳозирги кунда гузалопадан куриллиш материаллари ишлаб чиқариш заводи, йилга 15 миллион дона гишт тайёрланадиган иккита корхона, пайпоқ-трикотаж, халқ истеъмоли моллари фабрикалари ҳамда ёр-мой заводи куриляпти. Келгусида эса пахта, доп ва бошқа хом ашёларни тайёр махсулотга айлантирадиган корхоналар барпо этилади. Қамали тамғаси бошланган турли хил махсулотлар эса хорижга ҳам чиқарилади.

Туман аҳли ана шундай эзгу диятда меҳнат қилаётир.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЗАРРАЛАРДАН ҚЎР ОЛГАН ҚАЛЪЛАР

йиштириб олинди. Бу туман иқтисодиётини кўтариш имконини бермоқда. Хўш, ютуққа қайси оммалар ҳисобига эришилди. Ушбу салволта туман деҳқончилик-саноат уюшмаси раис Мусурмон Саодатов куйдагича жавоб берди:

— Энг аввало, деҳқон қалбига ерга эгаллик ҳиссини сингдиришга ҳаракат қилдик. Меҳнатни ташкил этишнинг ижара ва пудрат усуллари қўлланилган, қишлоқларда яшовчи аҳолининг ширкатларга уюшганлиги, асосий техника воситалари уларнинг қўлига берилди. Қўллангани ҳам ўз самарасини берди. Айниқса, пахта

ми — хўжалик раҳбарлари, бош мутахассисларни танлаш жамоасларининг ўзига ҳавола этилди. Масалан, «Оқрабоб» жамоа-ширкат хўжалик бошқарувининг раиси Мухаммади Сиддиқов ва «Қорабоғ» жамоа-ширкат хўжалигининг бош ҳосилоти Турсунпўлат Абдиев бурноғи йилнинг бошида энг қолоқ хўжаликларда фаолият бошлашди. Улар ўзларининг тадбирдорликлари, ишбилармонликлари тўғрйли қишлоқ аҳлининг ишончини қозонибгина қолмай, ишни талаб даражасида юртишга муваффақ бўдилар. Натияжада ҳар иккала хўжаликда пахта ҳосилдорлиги юқори бўлди, бошқа соҳадардан ҳам дурустгина даромад олинди.

— Халқимизда «Отанг

бажарётган ишдан манфаатдорлигини ишонтирдик. Чунки олдинги йиллари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш топшириғи муттасил уддаланмаганлиги боис уларнинг қўлиги меҳнатдан совиган эди. Мана, икки йилдири, белгиланган режаларнинг барчаси ошириб адо этилмоқда. Натияжада деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб, турмуши тобора фаровонлашмоқда.

— Ўтган йили етиштирилган пахтанинг ўзидан 600 миллион сўмдан ортқ соф фойда олинди мўлжалланадиганлиги, — сўхбатга қўшилиди «Қорабоғ» жамоа-ширкат хўжалигининг бош ҳосилоти Турсунпўлат Абдиев. — Сабаби — ҳар гектар ердан 32,5 центнердан ҳосил саранжомлиб, йиллик режа

ЕШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

«Қорақалпоғистон» нашриёти еш журналистлар учун қорақалпоқ тилида «Мен тахририятдан келдим» деб номланган ўқув қўлланмасини нашр этиди.

Қўлланма муаллифи Бердах номидаги Қорақалпоғистон Университетининг журналистика бўлимининг битирган Давлатбой Бекабулдир. Қўлланма содда, тушунарли қилиб ёзилган, муаллиф матбуотда ишлаган йилларда тўплаган материаллардан фойдаланган.

(ҚҚАА — ЎЗА).

ЭШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

«Қорақалпоғистон» нашриёти еш журналистлар учун қорақалпоқ тилида «Мен тахририятдан келдим» деб номланган ўқув қўлланмасини нашр этиди.

Қўлланма муаллифи Бердах номидаги Қорақалпоғистон Университетининг журналистика бўлимининг битирган Давлатбой Бекабулдир. Қўлланма содда, тушунарли қилиб ёзилган, муаллиф матбуотда ишлаган йилларда тўплаган материаллардан фойдаланган.

(ҚҚАА — ЎЗА).

ЭШ ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

«Қорақалпоғистон» нашриёти еш журналистлар учун қорақалпоқ тилида «Мен тахририятдан келдим» деб номланган ўқув қўлланмасини нашр этиди.

Қўлланма муаллифи Бердах номидаги Қорақалпоғистон Университетининг журналистика бўлимининг битирган Давлатбой Бекабулдир. Қўлланма содда, тушунарли қилиб ёзилган, муаллиф матбуотда ишлаган йилларда тўплаган материаллардан фойдаланган.

(ҚҚАА — ЎЗА).



Давлат тили тўғрисидаги қонун қандай бажариляпти?

ВАҚТ ҲИСОБ СЎРАЙДИ

Ватан ва мустақиллик сўзлари бугун эгизак йўрага айланган рости. Ҳар бир мустақил давлатнинг БМТ биноси олдида ҳиллаб турадиган ўз байроғи, марғур айтадиган маънаси, дунёга кўз-кўз қиладиган турғуси ва ўз оила тили бўлишлигини инқилиб сифида ўқийдиган ўқувчи ҳам яхши билади.

Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши Ватан ва миллат учун шайхид кетганлар ёнига қўйилган ўлма ва ўчмас хотира ёдгорлиғи бўлди. Мана шу тарихий воқеа ўзининг беинчи баҳорига қадам қўймоқда. Ўтган даврда республика миқёсида бу соҳада бир талай ишлар қилинди. Беш йил — тил ўрганишга аҳд қилган киши учун етарли муддат.

Афсуски, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида Давлат тили тўғрисидаги Қонунни рўёбга чиқариш бо-

расида ҳамон «коммунистлар қараш» ҳукм сурмоқда. Елгон бўлмасин. Мақтабларда ўзбек сифлари, боғчаларда махаллий турғуллар ташкил этилган. Шундан кейин, Иброҳим ака Зарафшонда, Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳуусида тортинмай сўзлай кетди:

— Энг катта муаммо ўзбек тили ўқитувчилари етишмаслиги. Ўқув қўлланмалари тақчил. Йирик корхоналарда ўзбек тили курслари машғулотларини олиб бериш учун мактаблардан ўқитувчилар жалб этиляпти-ю, лекин курс машғулотлари учун маблағ ўтказишга келганда... Ҳамма корхонанинг ҳам ҳамини кўтаравермас экан. Қолаверса, шаҳарда ўзбек тили мутахассислари ҳам кўч эмас. Шундай бўлган, 15 миң киши ишлайётган Марказий кон бошқармасида давлат тилини

амалга ошириб буладими? Мухбир изохди: Мен шаҳар кўчаларини айланиб, «1 — сентябрь — Ўзбекистон мустақил кунин» деган алворанг матога ёзилган широрта қўзим тушиди. Саводсизлик билан битилган бу сўзлар тилга бўлган эътиборсизликдан бошқа нарса эмас.

Мезинам. Зарафшондаги давлат тилига бўлган муносабатнинг иқтисодиёт билан ҳақ қандай алоқаси йўқ! Дилда иштиё бўлса, ҳар қандай муаммо ўз ечимини топади. Агар Зарафшонда ҳам тил тўғрисидаги Қонун учун корхона раҳбарлари ўзларининг жавобгар деб билганларидея эди, шаҳарда кўп қайри ишлар амалга оширилган бўларди. Вақт эса баҳоналар билан ҳисоблашмайди. У ҳаммадан бир хилда ҳисоб сўрайдми...

Маҳмуд МАРДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм вилоятида ер билан тиллашадиган, пахтакорлик йилини пухта эгаллаган, тадбиркор деҳқонлар оз эмас. Улардан бири — Богот туманидаги «Богот» жамоа хўжалигининг юқори ҳосилли бригадаси бошлиғи Қодир Оллаберганов. Унинг ҳузурига таъриба алмашиш учун қўшни вилоятлардан ҳам ҳамкасблари таширф буюриб туришади.

СУРАТДА: (чапдан) Қодир Оллаберганов ва Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туман агроном бirlашмаси раис Яхшибой Холбоевлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш тўғрисида фикр алмашмоқдалар.

Қадамбой ОТАЕВ олган сурат.

ИНСОН, ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ

МУДДАО — ТОЗА ҲАВО

ночор эканлиги аниқланди. Бундай мисоллар яна қўлаб келтириш мумкин. Масалан, Наманган вилоятида ўтказилган текширувни олайлик. Ходимларимизнинг аниқлашларича, «Наманган-транс» бирлашмасининг 38, 57, 58, 89-автокорхоналарида, 1-Наманган жамоаларо куриллиш трестининг 134-маҳсус механизацияланган кўчма колониясида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Худди шундай аҳволни «Тошхазарйўловчи» бирлашмасига қарашли 5-таксомотор саройи, Тошкент аҳолига хизмат кўрсатиш уюшмасининг 1-автокорхонаси ва «Ўртаасирпанлимет» автохўжалигида ҳам кузатиш мумкин.

Айрим автогарансбо, вонсигалар техник жиҳатдан носоз бўлганлиги тўғрйли уларнинг атроф-муҳитга чиқараётган захарли газ миқдор меъёридан юқори бўлмоқда. Фақат Тошкент вилояти бўйича Қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли транспорт восталарининг 59 фозини, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли транспортларнинг 62 фозини, Қурилиш вазирлигидан транспортларнинг 25 фозини носоз экан. Албатта, бундай нуқсон ва камчиликларни бошқа вилоятларда ҳам кузатиш мумкин.

Бундай ҳолатнинг юзага келишидаги сабаблардан бири мавжуд автокорхоналарда назорат-ўлчов асбобларининг йўқлиғидир. Борларидея эса улардан самарали фойдаланмаслик. Масалан, Тошкент вилояти ҳудудидея жойлашган 186 та йирик автокорхонадан 63 тасида ёни 34 фозидан кийди газ ва 11 тасида тузун миқдорини ўлчайдиган асбоблар бор. Ёни бўлмаса Сирдарё вилоятидаги «автокорхоналари олиб қурайлик. Мавжуд 591 та автохўжаликнинг 54 таси йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Аммо уларнинг бор-йўри 28 таси чиқинди газ бўлган миқдорини ўлчайдиган асбоблар билан таъминланган. Текширувда Сурхондарё, Қашқадарё Навоий, Андижон, Хоразм вилоятларидаги автохўжаликлар автомобилларининг дерли ярми, Наманган, Бухоро вилоятларида эса ҳар учтадан биттаси носоз ҳолда фойдаланиб келинаётганлиги маълум бўлди.

Тура ОЧИЛОВ, Республика ИИБ ДАН бошқармаси экология бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги.

Мухбир муаммо қўяди

БЎТАЛОҒИДАН ТОНГАН ТУЯЛАР

ЕКИ ПЕШКУ ТУМАНИ МАРҲАЗИДАН 200

«Ватанин севмоқ, унинг кенглигини ҳис қилмоқ учун ҳар қарич ериш нопа пийеда кезмоқ керак», — деган экан бир дошнамод. Биз Жонгелди номидаги насличлик давлат хўжалигида бўлганимизда, бу фикрнинг чилиғига нийон келтирдик.

Пешкудан йўлга чиққанмизга бир соатдан ошган бўлса-да, дашту чўларнинг адоғи кўримаиди. Мазкур кенгликларнинг қанчадан-қанча тарихга гувоҳ эканлиги ҳақида ўйланмади. Балки шу ерда бухороник суворийлар Чингиз бошқичларини билан неча бор курашадиганлар? Хўш аёни бархаллар остида қандай сирлар яшириниб ётганини? Ҳайҳот, буюк табии Ион Сино ушбу дашлардан дорн-дармонлар учун турли гиёҳлар тўплаган бўлса не аяб? Балки уфидея кўзга ташланаётган Қўнжик тоғининг тили бўлганда ҳаммаси ҳақида сўзлаб берардимки...

Сўхбатдошимнинг айтишича, насличлик совхозига қарашли йиллов бир миллион гектардан зиёд экан. Буви айтиш, ҳайратда қолдим. Ахир, ана шу майдон ўнта туман ёни бир видоғ хулудига тенг-кўй Кўз олдимида сурув-сурув туллар, йилқилар, қўйлар гавдаланади. Уларнинг ортида юрган чўпон-чўлинларнинг овози қўлогим остида жаранглагандай бўлади...

Манзिला ярим тунда етиб келдик. Афсуски, директор Тошкентга сафарга кетган экан. Биз бош зоотехник Токибек Райимку-

ТАҚИРИМ ОЛИСДАГИ ЯЙЛОВЛАРИНИ КЕЗГАНДА

тўрт яшар бу йигит укаси Жарбусин билан бирга 229 бош туяни парваршилар экан.

— Ўтган йили улар совхозга 10 тонна сўт топширганми, — деди ферма мудири Беказарова оға Осмонов. — Бу йил жониворларини соғини ман қилдик. Чунки ўт-ўланлар кам бўлгани боис туялар буталоқларига қарамай қўйдим. Ака-ука бутлур туялардан 50 бош буталоқ олган бўлса, жорий йилнинг олти ойида улар рақам 26 тами қилиб эди. Агар ўрқалик жонивор ҳар икки йилда бир марта болалашни эътиборда туттиса, бу кўрсаткич унчалик ёмон эмас. Умуман, ҳозир йилловларимизда 1882 бош туя, 371 бош йилки ва 36 миңгадан зиёд қўй-қўзи боқилмоқда.

Чорвадор учун, албатта, режа керак. Бироқ гушт топшириш режаси тузилганда имкониятнинг ҳисобга олинмаган. Ҳозирги йилдан бир совхоз учун йилга 400 тонна гушт ишлаб чиқариш осони? Шундай бўлса-да, олти ойлик режани уддаладик. Ферма мудирининг қайд этишича, баҳорда туялардан 5084, қўйлардан эса 36743 килограмм жун олинган. Виз юқоридея қайд этган чекларда ана шу тўнна ашё ишлатилмоқда. Номутаносиблигини қараган, бир килограмм жун учун чўпонга 180 сўм берилди, унинг уч килосидан

га даво дейишди. Бу фикрни врачлар ҳам тасдиқлашди. Шундай экан, дорн-дармон тақчил ҳозирги пайтда ундан касалхоналарда фойдаланса бўлмайди? Аҳоли зич яшайдиган жойларда эса уни сотишни йўлга қўйиш мумкин эмасми?

Она ер биз, фарзандларидан саховатини ҳам, меҳрини ҳам аямаган. Унинг бағрида унданган гиёҳлар тарихида ҳар қандай дардга дармон бўлувчи бепеён дашту чўларлар да ана шу ўсимликлар билан озинланади. Шу тўғрйли унинг сунти шифобахшидир. Демоқимизки, сингир сувдан қаттиқ ва қаймоқ дўконларда сотилаётганидек, туя сунтини ҳам махсус идишларда дорихона, касалхонада санаторийларга етказиш ҳақида ўйлашнинг вақти келди. Бунинг учун туячилик соҳасини кенг ривожлантириш, иложи бўлса кам сонли жониворларини гушта топширмаслик масаласи ҳал этилмоғи керак.

КАРВОН КЎРДИМ...

Автоювлар кам бўлган даврда туялар одамзот жонига аро кирган. Бугунги кунда эса бу чидамли, одамларнинг юкини енғил, манзилни яқин қиладиган жониворга бўлган эътибор сусайгани ажабланирлидир. Боя ферма мудири таъкидлагандек, балки емил намайган қиш кунларида ҳам буталарини эмизатиш қочмоқда. Қорин, усти бут она боласидан воз кечадими? Қолаверса, жониворлар Туяювудея ер остидан қийнаётган иссиқ шўр сувдан чанқоғини босишини назарда тутсақ, аҳвол қанчалик ачинарли эканлиги аниқлашлади.

Жонгелдига яқин жойда каттагина Қорақир қўли бор. Қани эди унинг суви канал орқали совхозга келтирилса, шунда чорвачилигимиз аҳоли тикланибгина қолмасдан, яна қанчадан-қанча янги ерлар ўзлаштирилади, бу майдонлар деб бошоғди энгилар экиш мумкин бўларди. Ушбу муаммо вилоят ёки республика миқёсида ҳал қилинмоғи лозим. Чунки битта туман учун бу огирлик қилади.

ЧЎПОНЛАР ТИЛАГИ

Жонгелдиликлар туман марказига бори-қайтиш учун 400 километр йўл босишади. Ейр литр бензиннинг нархи фалон сўм. Бундай пайтда шахсий машинаси борлар ҳам ўйлаб қолшади. Пешку — Жонгелди йўналиши бўйича эса ҳафтада бир марта автобус қатнайди, холос. Ёнасал қўриш, полиз ва савалавот махсулотларни харид қилиш учун эса, албатта, марказга бориш керак.

Бошқа яна бир давлат хўжалигида ишлайётган чўпон ва ишчиларга эканлик ҳолат учун ҳақ тўланмайди. Бу борада Қўшни Навоий вилоятидан ўрнатилган арзиди: чўл зонасидаги қоракўлчилик совхозларининг барча ишчи ва чўпонларига аийн шу ҳолат учун қўшимча 30 фоз ҳақ берилмоқда.

Жонгелдининг табиати Навоий вилоятидаги Томди ва Коимек туманларининг кичирлик қилиши. Буни исботлаш учун қучоқ-қучоқ қозғаларнинг ҳолати йўқ. Масаланин ечимини қичкинагина харорат ўлчагичининг ўзи ҳал қилади, холос.

Маннон ОТАВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТУЮВУЛ МУАММОЛАРИ

Ушанда жазирама эа эди. Қуёш тиккага келганда уст-бошимиз, гўё сувга қайиб олгандек, жиққа ҳўл бўлди. Гиёҳлару буталар эса, хароратнинг юқорилигидан аллақачон қовнараб қолган. Ҳайратини, Туяювудея тўрт-беш туз дарахт бор экан. Шу ерда бироз нафас ростлаб олдик. Кейин бизни чўпон Орифбой Алимбетов ўз ўтовига бошлади. Утти

ТУЯ СУТИ ЕХУД ШУБАТ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Ҳазирнинг айронга ўхшаш бу ичимликни, рост, ҳаётимда биринчи марта татиб кўрдим. Туя сунти, яъни шубат ошқозон, жигар, бўйрак, сил ва бошқа бир қанча касалликлар

Ҳазирнинг айронга ўхшаш бу ичимликни, рост, ҳаётимда биринчи марта татиб кўрдим. Туя сунти, яъни шубат ошқозон, жигар, бўйрак, сил ва бошқа бир қанча касалликлар

Ҳазирнинг айронга ўхшаш бу ичимликни, рост, ҳаётимда биринчи марта татиб кўрдим. Туя сунти, яъни шубат ошқозон, жигар, бўйрак, сил ва бошқа бир қанча касалликлар

Ҳазирнинг айронга ўхшаш бу ичимликни, рост, ҳаётимда биринчи марта татиб кўрдим. Туя сунти, яъни шубат ошқозон, жигар, бўйрак, сил ва бошқа бир қанча касалликлар

Халқ қўллаб-қувватлаган сиёсат

Президент Ислам Каримовнинг қўшни мустақил давлатлар — Қозғистон ва Қирғизистон бошлиқлари билан ўтган ҳафтадаги учрашувлари, улар ўртасидаги суҳбатлар, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари учрашуви якунида имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада мустақимлайди...

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOVGA

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич! Бугунги кунда республикада янги ҳаёт тартиби шаклланиб бораётган бўлиб, унинг ҳар бир фазилатининг қирғини ва гал-сўзидан, река ва ишларида республиканинг гуллаб-яшнаши ҳамда ундаги халқларнинг фаровонлиги йўлида сиз ўтказиб келинган сиёсатининг муҳимроқ масаласи бўлди...

ТАРИХИЙ ТАҚДИРИМИЗ БИР

Қирғизистонда ва Ўзбекистонда амалга оширилган туб иқтисодий ўзгаришларнинг ўқшаш жиҳатлари кўп. Хўжалик алоқаларининг ўзлаб қилиши, миллий жиҳатлар, республикалар иқтисодий салоҳиятидаги тафовут илҳомот суръатига таъсир қилади, албатта...

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOVGA

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич! Ўзбекистонда азалдан ўзбеклар билан бир жону бир тан бўлиб яшаб келган қирғиз элани номидан Сизнинг маънавий тиклашга қўлашувчи «Рухоният» халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик учун муқофотиغا сазовор бўлганингиз билан чин кўнгилдан табриқлашга икки қўлга берганимиз. Бу фақат «Рухоният» халқлари уюшмасининггина эмас, балки бугун дунё кўзи ўнгидан Марказий Осиё минтақасида тинчликни сақлаш ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш борасидаги Сизнинг оқил ҳамда қатъий сиёсатинингиз алоқадорлиги тушуниб етган ва қадрлаган Қирғизистон жомоатчилигининг муқофоти ҳамдир.

Мизга боғлиқ бўлган ҳамма шини қилишга тайёримиз. Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқи бир оила каби яшаётганига ва бундан кейин ҳам шундай яшاشига, бу масалаларда эҳтиросларини авж олдириб ҳар қандай уришилар барбод бўлишига олдиндан маҳкум эканига ҳеч қандай заррача шубҳа қолмаслигини истаймиз.

Университетининг кўп минг кишили жамоаси ўз Президентини тарафдори эканига, бундан кейин ҳам унинг тарафда бўлишига, Ўзбекистон тараққиётининг беш принципини содиқ қилишга амин бўлишининг мумкин.

- Х. ҲОЗИЛОВ, В. РАҲИМОВ, С. ҚОСИМОВ, А. ҚОДИРОВ, К. АЛЛАЕВ, А. ҚОДИРОВ, О. САЛИМОВ, А. САДИРДИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOVGA

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич! Биз жўн даврда яшаётганимиз йўқ. Бизнингча, бундай даврда халқ ва унинг раҳбарлари ўртасидаги ҳам-фириқли, улар ўртасидаги бевосита алоқалар жуда муҳимдир. Республикада шундай ҳамфириқлик ва шундай алоқа мавжудлигидан бахтиёримиз.

Кенгаш номидан, академиклар, академиянинг мухбир аъзолари, профессорлар: Х. ҲОЗИЛОВ, В. РАҲИМОВ, С. ҚОСИМОВ, А. ҚОДИРОВ, К. АЛЛАЕВ, А. ҚОДИРОВ, О. САЛИМОВ, А. САДИРДИНОВ.

Алишер Навоий муқофотида номзодлар

ДАҲОЛАР ТАҚДИРИ ИБРАТДИР

Мақсуд Юнусов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Саиджамал Расулов, Урол Утаев номзодлари 1994 йилги Алишер Навоий номидаги давлат муқофоти йилги танловига тақдим этилганлиги жомоатчилики беҳад севинтирди.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ижодкорлари томонидан яратилган «Бобур», «Лайла ва Мажнун» ҳамда «Кеча ва кундуз» видеофильмларининг ойна жаҳон орқали ҳар галги номийлиги халқимиз учун бир байрамга айланади.

Бобурнинг чинишлари орқали халқимизга адабий жомоатчилига яхши таниш. Унинг таъбабуси ва бевосита бадий раҳбарлигида яратилган «Навоий», «Гирдоб», «Дийнат», «Олмос камар», «Абалият қонуни», «Лайла ва Мажнун» каби ўнлаб кўп қисмли видеофильмлар томошабинлар орасида кенг шухрат қозонди, адабиёт ва санъатимизнинг атоқли номдорларини ҳақиқат яратилган ўттиздан зиёд видеофильмлар телевиденининг олтин хазинасига айланди.

Муҳаммадали Абдуқундузовнинг бугун мамлакатимизда истеъдодли санъаткорлардан бири десак, янгиликларимизда Урол Утаев жонбозлик қўрсатганини адабий жомоатчилик яхши билади. Мазкур видеофильмлар экранга чиқиши билан ҳалқ меҳрига сазовор бўлди, маънавий дунёимизнинг бебаҳо мулкига айланади.

Кўриб турганимиздек, видеофильмлари яратилганлар гуруҳи истеъдод ва ижодга ташаббус ва жасорат билан айна қамолга тўлган ижодкорлардан иборат. Шу билан бирга, уларнинг замон ва халқ билан ҳамда ҳам-аҳамиятнинг, асар ташлашдаги зийраклигини ҳам ибратли фаилат сифатида тилга олиб ўтиш жоиз. Зеро, халқ орвуларининг, турмушининг, дилларининг чинакамига гавдалонтириб бера олган, китобхонларнинг меҳр-муҳаббатига мушарраф бўлган бадий пухта-пишқ асарга муқофот қилиш шубҳасиз видеофильмнинг муваффақияти қозонишида бош омиллардан ҳисобланади.

«Лайла ва Мажнун» видеофильми томошабинни ҳазрат Навоий «Янғил-Янғил» тасвирининг дoston қаҳрамонларининг «ишқ эйтирб» оламига олиб қиради. Биз гўзал табият кўлида, афсонавий манзаралар саҳнида нахрамонлар билан бирга яшаймиз, гоҳ боғ бўстонлар, бир-бири учун бўзлаган икки бахтиқаро ошқ-машқунинг мислиси муҳаббатларидан, аччиқ ҳасратларидан воқиф бўлаемиз, инсон болалари ҳам бир-бирларини шунчалик севад экан-да, бир-бирларини шунчалик ардоқлар экан-да, дея ҳайратларга қўмилишимиз! Видеофильмнинг энг муҳим тарбиявий хусусиятидан бири шундан иборатки, воқеалар гирдоб, шеърини гуфтигулар, нозик исоний ҳис-туғиуларнинг табиятга, ҳаётга эврилган уйғун ошуфти тасвирлари томошабиннинг қалбини, вужудини қамраб олади, гўзал дунёлар томон етаклайди. Турмуш ташвишларига қўмилиб дарвон сураётган инсон «Ҳайста меҳрибон бўлиб, шавқини фидойин жон бўлиб» юрган сулулу Лайли (Зухра Ашурова)нинг гўзаллигидан, ма-

лоҳатидан баҳра олади. «Ҳам ҳайли кўнгул ҳисорин олган, ишқ илғидин ихтирин олди» Навоий (Бехзод Муҳаммадиновнинг) маънавийлиги, муҳаббатларини раҳматини, эзуғуликларга ошно тутинди. Ижодий гуруҳнинг ҳазрат дostonга янги ёндошувлари, изланлишлари, асар руҳиятига мос қўшиқларнинг ижро этилиши, умуман, асар мазмунига, даҳо шoir оламига йўқ китиб бориш видеофильм муваффақиятида тўзмас таъғал бўлиб хизмат қилган.

Атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли туналар» («Бобур») романи нафақа муаллиф ижодида, балки ўзбек тарихий романчилигида ҳам муҳим ўрин эгаллади. Видеофильм ижодкорлари олдида мана шу овоза бўлган асарнинг телевидион талқини яратибдиш улкан масъулиятли иш, мураккаб вазифа турарди. Бу жараёнинг қийин-оғир кўчишига яна бир (энг муҳим!) сабаб шу эдики, ўша пайтларга келиб собиқ қизил империя тузумида мафкура соҳасида, ююри доираларда улғу тарихий сиймо — шоҳ ва шoir Заҳриддин Муҳаммад Бобур шахсига нисбатан адоват, ғараз, таъйиқ урчиган бўлиб тарихий шахсни босқинчи, зolim, кимса сифатида талқин қилишга мойиллик кучайган эди. Бугун замона ўнлаб, мянлий қадриятларни ўрганиш, тарбия қилиш ишларига йўл очган бир пайтда зугумкор йиллар таювоузлари замонашорларимиз учун тпшунисиз, ёхуд эйтирбосиз ҳодисага айланб улгурган эди. Ҳақиқат шунки, ижодий гуруҳ «Бобур» видеофильми устида иш бошлаган пайтда тузум мафкураси соҳиблари қалти йўлга кирган, шунга кўра ҳам, видеофильм таъйиблаш бўйича олиб борилаётган жараён гоҳ пайсалга тушиб қолди, гоҳ маҳфий сураатла давом этирди. Мана шундай умидсиз — имлодсиз пайтда гуруҳ бадий раҳбарининг таъбиқ ҳасратларидан воқиф бўлаемиз, инсон болалари ҳам бир-бирларини шунчалик севад экан-да, бир-бирларини шунчалик ардоқлар экан-да, дея ҳайратларга қўмилишимиз!

Видеофильмнинг энг муҳим тарбиявий хусусиятидан бири шундан иборатки, воқеалар гирдоб, шеърини гуфтигулар, нозик исоний ҳис-туғиуларнинг табиятга, ҳаётга эврилган уйғун ошуфти тасвирлари томошабиннинг қалбини, вужудини қамраб олади, гўзал дунёлар томон етаклайди. Турмуш ташвишларига қўмилиб дарвон сураётган инсон «Ҳайста меҳрибон бўлиб, шавқини фидойин жон бўлиб» юрган сулулу Лайли (Зухра Ашурова)нинг гўзаллигидан, ма-

лоҳатидан баҳра олади. «Ҳам ҳайли кўнгул ҳисорин олган, ишқ илғидин ихтирин олди» Навоий (Бехзод Муҳаммадиновнинг) маънавийлиги, муҳаббатларини раҳматини, эзуғуликларга ошно тутинди. Ижодий гуруҳнинг ҳазрат дostonга янги ёндошувлари, изланлишлари, асар руҳиятига мос қўшиқларнинг ижро этилиши, умуман, асар мазмунига, даҳо шoir оламига йўқ китиб бориш видеофильм муваффақиятида тўзмас таъғал бўлиб хизмат қилган.

Роман асосида яратилган 5 қисмдан иборат «Кеча ва кундуз» видеофильми ҳам мазлум халқнинг аянч ҳаётини, маҳаллий ҳукмрон доира билан «улғу империя» вакилларининг кирдиқорли муносабатларини, турмуш ҳақиқатларини ёритишда Чўлпоннинг озолиқ, эри, мустақиллик ҳақидаги гоғаларини халққа етказишда беиёс хизмат қилди. Қолаверса, видеофильм — истибоддиннинг қил панжаларидан қутулиш йўлида қўрбон бўлиб кетган минг-миглаб ватадошларимиз, бемаҳал хаозон урган истеъдодлар хотираси учун тикланган боқий обиди ҳамдир.

Унда асар мазмунини чуқур очиб беришга хизмат қилувчи, биқик турмушнинг пинҳон, гирдобларини, истибод аламларини англашга қўлашувчи топилиқ лавҳалар, рамзалар, драматизмга бой ҳажонли саҳналар кўп. Ванеалар силсиласини жоғалантириб, экранни нурга чулғайдиган беғубор сиймо — адиб Чўлпон образини эса чинакам бадий кашфиёт дейиш мумкин. Умуман, видеофильмдаги ҳар бир образ кучли ижро, маҳорат билан яратилганлиги туғайли томошабинлар хотирасида узоқ сақланб қолади. Зебининг гўзаллиги, соддалиги дилини гоҳ яйратса, гоҳ увуштирилади. Мингбошига, унинг аносари аёлларига, замона насорасига муқом қилишни ўрганаётган Миреқубларга афтинасиз, ногорачи тўраларни лаянатлайсиз...

Ижодкорлар гуруҳининг Алишер Навоий номидаги Давлат муқофоти билан тақдирлангани — Ватан, халқ, миллат тақдирини, келажак учун меҳнат қилаётган заҳматқашларга халқ меҳрининг бир ифодаси бўлув эди. Халқ меҳри эса мангудир.

Саиди УМИРОВ, Бойбўта ДУСТҚОРАЕВ, филология фанлари номзодлари, Юсуф БЕРДИЕВ, Музаффар АҲМАД.

«АНТЕКС» — ҚУШМА КОРХОНА

Шаҳрихоннинг Сегазақум қишлоғида Туркиянинг машҳур «Язекс» корпорацияси билан ҳамкорликда тўқимачилик мажмуи ташкил этилмоқда. Қўшма корхона пахта толасидан йилга 3 миллион дона орманлар, хотин-қизлар ва болалар кийими тизлаб чиқаради. Уни барпо қилиш учун қиссалорлик жамияти тузилди. Бу ерда Италия, Олмонш, Туркия давлатлари «К. НИЗОМОВ, ҲАА мухбири»

ЙҮЛСОЗЛАР АҲДИ

Сурхондарёлик йўлсозлар Алмати — Тошкент — Термиз автойўлининг Қашқадарьдан бошлаб, вилоят марказигача бўлган 40 қадамлик чегарасидаги Чак-чак домини Ч. ТҲҲТАЕВ.

ҚИЛИШ-ҚИДИРМИШ

Зангиота туманидаги «Литто» фирмаси бўлими бошчилигини уйига бемаҳалда «меҳмонлар» ташириб буюриди. Улар «шарқлик» билан мисобдан бош қилдириш сўз «сўрашди». Фирма ходимининг бунча пули йўқ экан, Туман ички ишлар бўлими ходимлари иштахаси нарнай «меҳмон»лар қимлигини дарҳол аниқлаб, қўлга олишди. Улар машина тузатиш устахонасининг ходими билан Тошкентдан келган қизни ошпаз экан, Энди улар қилмишларига яраша жазо олишадди. (ҲАА мухбири).

Наққинасиз сўм-купонларга!

31 январьгача сотилади. SONY 2965 теледидео (72см), Телевизор тагига қўйилган SONY тумбочка, SONY SLV-X57 видеомагнитофони (4 боғ, 4 сест. шата, автотрек), SONY FH-B500 музика қарни (лазерли), Икки касеталик SONY (розар), SONY 270 видеокамера (3 боғ), Panasonic CD-10 видеомагнитофони (3 боғ), Panasonic M3000 видеокамера. Харидашгизга қўшимча теким SONY видеокассетаси. "Дубай шўр" SONY селғарлиги - оилангиз учун. Телефонлар: 29-71-55, 91-00-58, 76-84-77

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жомоаси компаниянинг раиси Шавкат Яхёввага сингиллари Ҳамидахон ЯХЕВВАНING вафоти муносабати билан чуқур таъзия наҳор этади.

Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик банклардан бири -

ЎЗСАНҚУРБАНК

Ўз акцияларини сотишни давом эттирмоқда. Банк томонидан эълон қилинган устав фондидаги 100 миллиард сўмдан 65 миллиардини пайчилар аллақачон сотиб олишди. ЎЗСАНҚУРБАНК акциялари ўз эгаларига йил сайин барқарор даромад келтирмоқда.

ЎЗСАНҚУРБАНКнинг бугунги акциялари ютқли бўлганлиги билан эйтиборни жалб этади. Акцияларнинг 1-тиражи шу йил февраль ойида ўтказилади. Сизнинг ютугингиз - бу қўшимча акциялар пакети + улардан тушадиган фойда.

Банкимиз Республикада биринчи бўлиб ўз акцияларини чиқара бошлади ва бугунга қадар қимматли қоғозларнинг бу тури билан ишлашда жуда бой тажриба орттирди. Бу эса ҳар қандай иқтисодий шароитда ҳам ўз акционерларига сармоёларини сақлаш ва қўпайтиришни қафолатлаш имконини беради.

ЎЗСАНҚУРБАНКнинг бугунги акциялари - сизнинг эртанги фаровон йўлчишингиз гаговидир. Шошилинг - бугун ҳар бир акциянинг нархи атиги 1000 сўм. Акциялар барча ЎЗСАНҚУРБАНК муассасаларида сотилмоқда.

Халқ сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Ашар ЖУРАБОВ. ТАХРИР ҲАВВАТИ: Абдунаби БОИҚУЗЕВ, Эсирғал БОЛИВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирралим МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲРИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳалд РИЗАЕВ, Александр ТЮРНИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯХЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммад-жон ҚОРАБОВ, Саидхорр ГУЛОМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, 1-СБ, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 19-уй. Навоий муҳаррири И. Худоев, навоий Р. Жукаев.